

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни
— 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган


ПАНШАҢБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил феврал

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

Баҳоси эркин нарҳда

БИРИНИ УСТУН



ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ЙЎЛИ

Давосда бўлиб утган жаҳон иқтисодий анжумани тadbирларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги делегация ҳам фаол иштирок этди. Анжуман жаҳон ишбилармонларининг мамлакатимиз иқтисодийти

ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтирди, десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон анъанавий Давос учрашувида бешинчи марта қатнашди.

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНАДИ

Наманган шаҳрининг «Туқимачи» маданият саройида бўлган танловда ватанга, она

диёрга муҳаббат мавзусидаги қўшиқлар янгради. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик танлови вилоят босқичининг бир қисмидир.

Ҳофизлар баҳси ҳозирча туманлараро миқёсда ўтказилмоқда.

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Навий вилоятидаги ўқитувчилар тайёрлаш институтида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағиш-

ланган кўргазмали семинар ташкил этилди. Семинар қатнашчилари буюк соҳибқироннинг Марказий Осиё ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни ҳақидаги маърузаларни тингладилар.

АСРЛАРДАН САДО КЕЛАДИ

Республикаимиздаги энг кекса музейлардан бири Самарқанддаги Акмал Икромов номли Ўзбекистон халқлари маданияти ва тарихи му-

зейида турли даврларда чоп этилган қуръонлар намойиш қилинадиган бўлим иш бошлади. Бу ерда 50 та ноёб ана шундай муқаддас китоб мавжуд. Улар орасида чўнтақда олиб юрса буладиганидан тортиб 200 килограммлик улкан «Каломи шариф» гача бор. Шунингдек, музей фондидан IX-XI асрларда палма дарахти пустилогига битилган Қуръони Карим ҳам урин олган.



ШИШ СОҢДА:

«КЎЧАДА ҚОЛГАН БОЛА»:

— Айтимиз ахлоқ ҳақидаги саллаҳи мавзуда эълон қилган ёш. Унинг ахлоқан повоқитининг тасдиқловини бирорфатта тубоҳ ҳам ёш. (3-БЕШ)

«УЙҚУ КЕЛМАС КЕЧАЛАР»

(янги романдан бир боб):

— Олим-олимларим мен ёмон кўрмачан, бунга патакклатиб эширмига вақтин ҳам ёш, — дея Маъруза ароқ куйилган тўпачани кўрмига олд. — Қани, оқ алоҳи... (7-БЕШ)

Энг асосийси, сирпаниб кетмаслик

АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!



MILLIY INVESTICIYA FONDI
НҒИЛЛИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ

Тел 39-16-56
FAX 39-17-63

Муассисларимиз
фаолиятиданВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАРИ

Яқинда Республика болалар жамғармаси Сирдарё вилояти бўлимининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Унда бўлимининг утган йилги фаолияти юзасидан бўлим раиси С.Ғуломованинг ҳисоботи тингланди, ҳамда яқинлашиб келаятган Навруз байрами муносабати билан амалга оширилаётган хайрия тadbирлари муҳокама этилди.

Пленумда ташкилий масала қўрилди. Илбс Қувондиқов болалар жамғармаси вилоят бўлимининг ижрочи директори ва президиум аъзоси этиб сайланди.

Пленум ишида Республика болалар жамғармаси раиси И.Юсупова ва вилоят ҳокими ўринбосари С.Усмоновлар иштирок этдилар.

ЯХШИЛИКНИНГ
ШАРОФАТИ

Мархум А.П.Хлебушкинани республикамизда кўплар фахр билан эслайдилар. Меҳридарё аёл кўп йиллар Тошкентдаги 22-болалар уйига раҳбарлик қилди. У биринчилар қатори «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофатланди.

Куни кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Антонина Павловнани хотирлаб у умрининг сўнгги дамигача ишлаган болалар уйига компьютерлар ҳамда доридармонлар ҳада қилди.

ДИЛАФРЎЗ



... Биз республикамиздаги малакали ҳамшира ва акушер-гинекологлар тайёрлаш тиббий масканларидан бири — Шайхонтохур туманидаги ўқув даволаш коллежиде бўлиб, у ерда амалга оширилатган ишлар ва эришилаётган ютуқларни қўриб коллеж раҳбари Маъсума опа Фозилбековдан коллеж фаолияти ҳақида гапириб беришларини илтимос қилдик.

— Бизнинг ўқув даволаш коллежимиз 1994 йил сентябр ойида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси томонидан очилган, бу ерда Шайхонтохур ҳамда Акмал Икромов туманларига қарашли маслаҳат шифохонаси ва 12-сонли поликлиника ҳам жойлашган. Ҳозирда тиббий билим юртимизда 514 талаба икки бўлимда, ҳамшира

...БАРИБИР ФАРЗАНД-КУ

Узоқ йўлга отланганлигим сабабли рўпарамга аёл суҳбатдош келиб, жойлашганидан жуда хурсанд бўлдим. Аммо, аёлнинг кўзлари негадир қизарган, кўнгли эса алланечук гаш эди. Маълум бўлишича, ҳамсафаримнинг исми Наргиза бўлиб, ўқитувчилик қилар экан. Турмуш ўртоғи эса врач бўлиб, шириндан-шаркар 2 қизни тарбиялашарканлар. Тошкентга нима сабабдан келганини, уни ҳам-ҳасратга қолдирган воқеани эшитиб, беихтиёр менинг дилимни ҳам галати тундлик банд этди. Аёлнинг айтишича, у учинчи болага ҳомиладор экан. Шу сабабли қорнидаги ҳомиланинг ўғил ёки қиз эканлигини аниқлагани келган. Докторлар унга «қиз» кўрасиз деб айтишиб, олдириб ташлаш кечлигини ўқитиришган. Эри бўлса Наргизага «агар яна қиз бўлса йўқотасан» — деб ўдағайлаганча қолган. Наҳотки, ўқиган, тушунган таъбатдан хабардор бўлган инсон бу нарса-

ШИФОКОРГА ҲАМДАМ
ҲАМШИРА

ва акушерлик мутахассислиги бўйича табиб олишяпти. Поликлиникамизда замонавий тиббий техник аппаратлар, компьютер кордиограф, кучли клиник ва биохимик лаборатория, операция блокдан иборат хирургия, электрод ва сув билан даволаш физиотерапия бўлимлари беморларга хизмат курсатмоқда. Шунингдек, тиббий коллежимиз ҳам компьютер, махсус жиҳозланган ўқув хоналари ва уз кутубхонасига эга. Айтгандай, 1994 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги коллежиясининг қарори билан бизнинг ўқув масканимизга «тиббий тажриба коллежи» мақоми берилди.

— Маъсума опа, албатта, ўқиб ва иш жараёнининг биргаликда олиб борилиши талабалар учун ўзига хос қулайликлар туғдирса керак?

— Ўқув даволаш коллежи Республикамизда ягона бўлиб, иш афзаллиги ўзингиз айтгандек, икки тарафлама аҳамиятга эга. Биринчиси, талабалар назарий билимларини амалда мустаҳкамлайди ва амалий дарсларни ўзимизнинг поликлиникамизда ўтказиши. Бунинг учун юқорида айтиб ўтганимдай барча қулайликлар яратилган. Ўқув хоналари ҳам шуни ҳисобга олган ҳолда қўрилган. Масалан: терапия бўлимида талабалар учун терапия хонаси, болалар бўлимида педиатрия хонаси, хирургия бўлимида хирургия хоналари мавжуд. Иккинчи томони, талабалар беморлар билан мулоқотда

ни тушунишни истамаса, дея уйга толашун. Уй-ҳаёллар гирдобиде турмуш ўртоғимнинг бирон марта «ўғил» ёки «қиз» талабини кўймаганини, 5 фарзанднинг онаси сифатида беихтиёр кўнглимдан ўтказаман. Ахир қиз ҳам, ўғил ҳам фарзандку. Қолаверса, қиз бола отага янада меҳрибонроқ бўлишини наҳотки тушунишмас?

Фарзанд фақат ўғил туғилса «меросхўр» бўлади деб ўйласангиз адашасиз, ҳурматли эркаклар. Билсангиз, қиз бола ҳам меросингизга ўғлингиз сингари тенг шерик. Боринги, фамилияни «ўғил» давом эттиради, дерсиз. Истардимки, у дунёга кетганингиздан кейин сиздан фамилиянгизни эмас, обрўингизни, қадр-қимматингизни, қилган ишларингизни давом эттирадиган, номингизни фақат эзгу ишлари орқали сақлаб қоладиган фарзанд қолсин.

Мухтасар
КАРИМОВА

бўладилар ва ўз навбатида шифокорларга ҳам катта ёрдам берадилар. Унинг устига шу ерда 1-сонли шаҳар шифохонаси ва 1-сонли туғриқхона жойлашган бўлиб, бу ҳам талабаларнинг ўқиб ўрганишлари учун жуда катта қулайликлар яратди.

— Яна бир хайрли иш, яъни бўлгуси келин-куёвларни тиббий қуриқдан ўтказишни йўлга қўйибсизлар...

— Ҳа яқинда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан катта маъсулиятли иш бошладик. Яъни, никоҳдан утаётган келин-куёвларни ўқув даволаш коллежи қошида янги ташкил қилинган тиббий қуриқдан ўтказаямиз. Унда келин-куёвларни юқори малакали шифокорлар тиббий техник воситалари орқали текширишади. Агар бирор касаллик аломатлари сезилса даволайдилар, ҳамда оилавий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда тиббий ёрдам курсатадилар...

Агар имкони бўлса, фурсатдан фойдаланиб бўлажак ёш келин-куёвларга эслатма, маслаҳатларимизни айтиб ўтмоқчиман. Бугун сиз янги ҳаёт йўлига илк бор қадам қўймоқдасиз. Сиз ҳозирча икки кишисиз. Ҳадемай ширин-ширин фарзандлар дунёга келади. Фарзандларингизни соғлом, одоб-ахлоқли қилиб тарбияла-

нг. Асло ичкилик ичманг, ҳаётдаги арзиманган икки-чирларни уйлаб сиқилманг, асабингизни эҳтиёт қилинг. Камиде уч йил оралигида фарзанд курсангиз соғлигингиз яхши, фарзандларингиз ҳам тетик ва бардам бўлади.

— Келгуси орзу ва режаларингиз?..

— Орзулар катта... Аммо ҳозирча айрим ҳамшираларимизни амалий ишлари бизни қониқтирмайди. Ҳамшира фақатгина шифокорнинг буйруғи асосида ишламай ўзлари ташхис қўя оладиган, беморларни даволашда мустақил фикр юритиб иш олиб борадиган даражага етишлари керак. Мақсадимиз ана шунга эришиш.

Суҳбатдош: Ҳамид
СУЛАЙМОН

Бу ажиб дунё

КЎР КЎЗНИНГ
ОЧИЛИШИ (ҚИЙИН)

Швейцариянинг Глерас шаҳридаги Зоннтаг миллий банкига қириб келган йигит чунтагидан тулпонча чиқарди ва «дарҳол ҳамма пулни йиғиштириб менга беринглар», деб буюрди. Олдинга ҳамма қўрқувдан доғ қотиб қолди. Лекин йигитнинг нимагадир кассадан анча четда, бунинг устига тулпончасини девор томонга йўналтириб тургани банк ходимларидан бирининг эътиборини тортди ҳамда у сигналзация тугмасини босиб қуриқлаш бўлимига хабар қилди. Зудлик билан етиб келган полициячилар йигитни қулроқсизлайтиришди. Маълум бўлишича, банкни умараш орузидаги бу йигитнинг кўзлари қур экан.

Туркистон бир
Ватан бир«КОРА ОЛТИН»
ЖИЛОСИ

Туркманистоннинг Жанубий Каспий худудидеги нефт конларини ўзлаштиришга Эрон ва Россиядан ташқари Япония ва Малайзиянинг йирик нефт компаниялари ҳам даъвогар бўлиб туришибди. Япониянинг «Ито-чү петролеум» компанияси ҳали бу борада аниқ таклифларни уртага ташламаган бўлса, Малайзиянинг «Петронас коригала» компанияси шу кеча-кундуздаёқ ўз ваколатхонасини очиб, иш бошлашга тайёрлигини изҳор этмоқда.

МАРКАСИЗ СОТИШ
МУМКИН ЭМАС

Қирғизистон ҳукуматининг сигареталар ва спиртли ичимликларни акциз марказисиз сотишни тақиқловчи қарори кучга кирди. Акциз марказисини сотиш ҳуқуқи эса «Қирғизистон» ҳиссадорлик тижорат банкига берилди. Сигарета қутисига ёпиштирилаётган марка 3 тийин, спиртли ичимликлар учун 22 тийин туради. Маркалар Англиянинг «Харрисон энд Санс ЛТД» фирмаси томонидан махсус қозоғга босилган бўлиб, уни қалбақлаштириш имкони йўқ ҳисоби.

ГЭС -ХАЛҚ
ҚУРИЛИШИ

Мамлакат Президенти Имомали Раҳмоновнинг тожикистонликларга мурожаати эълон қилинди. Унда мамлакатни оғир иқтисодий бўҳрондан олиб чиқишнинг ягона йўли энергетика мустақиллигига эришиш эканлиги таъкидланган ва ўз юрти тақдирига берадир бўлмаган кишиларни Вахш дарёсиде барпо этилаётган ГЭСнинг қурилишига баҳоли қудрат ёрдам қўлини қўзишга чақирилган. Шу мақсадда мамлакат Миллий банкида ҳисоб рақами очилди. Президент ГЭС қурилишини «халқ қурилиши» деб эълон қилди.

АНИҚ ТАКЛИФЛАР ВА
РЕЖАЛАР

Индонезиялик ишбилармонлар Туркманистондаги пахтани қайта ишлаш заводларини замонавий техника воситалари ва технологиялар билан жиҳозлашга бош қўшиш ниятидадилар. Шунингдек, улар усимлик ёғи, темир йул шпаллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар очиб борасида ҳам таклифларини билдирмоқдалар. Бу борада айниқса йирик ва дунёга машҳур «Прима комексиндо» корпорациясининг режалари катта.

ТЕЛЕФОНЛАР
ЖИРИНГЛАР АСТА

Жанубий Кореянинг «ДЭУ Телеком» компанияси Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида иккита замонавий АТС барпо этадиган бўлди. Мамлакат алоқа вазирлиги, Тожикистон алоқини заводи ва «ДЭУ Телеком» уртасида шу тўғрисида битим имзоланди.

ИЙМОННИНГ ШАРТЛАРИ

(Охири. Боши утган сонларда)
Хотима

Ҳар қандай қонун-қоидадан бирон-бир истисно, чекинчи бўлганидек, исломий ҳалол-ҳаром нормаларини амалга тадбиқ қилишда ҳам маълум бир истиснолар мавжуд. Маълумки, мусулмончиликда ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик ниҳоятда қадрланади, унинг зидди-ёлгончилик қаттиқ қоралиниқ, ундан ҳазар қилинади. Бироқ муайян шароитда, масалан, урушда душманга нисбатан, икки мусулмонни яраштириб қўйиш, бедаво дардга (масалан, қора сонга) чалинган беморнинг кунглини кўтариш, эрининг хотинга муро-саю мадора учун ёлгон ишлатишга изн берилади. Шунингдек, асли ҳаром қилинган таомлардан икки ҳолатдагина тано-вул қилиш рўхсат этилади. Биринчиси, ҳаром қилинган баъзи нарсалардан мусулмон киши табиб тавсияси билан дори сифатида тотиниши мумкин. Иккинчиси эса очликдан ўлиш хавфи тўғилганда, ноилоҳликдан ўз ҳаётини сақлаб қолишга етгулик миқдорда ва ўзга озиқ бўлмаган тақдирдагина мусулмон одамга ҳаром таомдан ейиш ижозат этилди. Дарддан фориғ бўлгач ва ўлиш хавфи ўтгач, мусулмон кишига мазкур нарсаларни истеъмол қилиш яна ҳаром бўлиб қолаверади.

Ислом дини пойдеворини луқмаи ҳалол ташкил этади. Пойдевор қанчалик пишиқ ва мустаҳкам бўлса, бино ҳам шу қадар мустаҳкам бўлади. Шу боис ҳар қандай шароитда ҳалол луқма ошашга интилиши мўмин иймонининг поку соғлом, собити бақувват бўлишидаги асосий шартдир. Луқмаи ҳалол эса фақат ва фақат пешона те-ри тўқиб, ақлу заковотини ишга солиб, ҳалол меҳнат қилиш оқи-батидagina бунёдга келади. Бу-нинг учун меҳнатга лаёқатли ҳар бир мусулмон киши жамият ва одамларнинг бирор қорига ас-

қотадиған касб-хунар этагини ту-тиши ва бола-чақасини ана шу-нинг эвазига келадиған маблағ, мол-дунё ҳисобидан едириб-ичи-риши, кийинтириши, уй-жой со-лиши лозим. Шу сабабдан Му-ҳаммад Мустафо (с. а. в.) Пар-вардигори олам инсон зотини фақат Узигагина ибодат қилиш учун яратганини яхши билганла-ри ҳолда: «Ибодат-ўн ҳисса, тўқ-қизи ҳалол ризқ излашдир», — дея марҳамат қилганлар. Бино-барин, ҳалол ризқ излаш ҳам ибодатнинг 90 фоизини ташкил этадиған улкан тури экан.

Ҳалол меҳнат машаққатини чекмай, ургилиқ, порохўрлик, та-магирлик, зуравонлик, юлғичлик, фибрибгарлик, товламачилиқ син-гари турфа гирром йўллар билан қўлга киритилган нарсалар ва улар эвазига тайёрланган таомлар исломда ҳаром санала-ди. Ҳаром-ҳарчининг касофати шу қадар улканки, ҳатто 99 фоиз ҳалол нарсага атиги бир фоиз ҳаром аралашса, ҳамма-ҳаммаси-ни ҳаром қилади. Шунингдек, ҳа-лол йўл билан топиған мол-ду-нё ва пул-ақчадан вақтида тегиш-ли закот берилмаса, кишининг ушбу мол-дунёси, пул-ақчаси ҳа-ром бўлади. Ундан на мол-дунё эгасининг на ўзи на оила аъзо-лари фойдалана олади, мабодо фойдаланишса, бировнинг ҳаққи-ни егандек бўлишади.

Библи туриб қаллоб, нопок одамдан ҳалол пулга олинган ҳамма нарса, жумладан озиқ-о-вқат масаллиқлари ва улардан пи-ширилган таом ҳам ҳаром бўла-ди. Гувоҳларнинг далолатича, ха-лифа Умар ибн ХАТТОБ Ҳазрат-ларининг хизматкорлари ҳар гал таом келтирганда масаллиқни, кимдан олганлигини суриштириб, сўнг таноуъл қилишга киришар-канлар. Бир куни нима бўптию ана шу одатларини тарк этиб, таомдан бир луқма олганларида хизматкор узича гап бошлаб, ма-саллиқни бир бақирдор кимса-

дан харид қилишга мажбур бў-лиганини сўзлаб қолти. Бундан ха-бар топган Ҳазрат Умар ниҳоят-да хафа бўлиб, унга:

— Сен бундай ҳаракатинг бил-лан мени ҳалол қилсан, — деп-тилар-да, ейилган луқмани не-не азоб билан қўсиб ташлаптилар. Бу ҳолнинг шохиди бўлиб турган-лар:

— Шунча машаққат бир луқма учунми, Ҳазратим?, — дейишган-да, Ҳазрат уларга қараб:

— Бу ҳаром луқмани ҳатто жо-нин халқумидан чиқиб кетса ҳам чиқариб ташлашим керак эди, — дея, Пайгамбаримизнинг қуйидаги Ҳадисларини эслатган-лар: «Бир жасад ҳаромдан тар-бия топган бўлса, унга энг лойиқ нарса-оташ, яъни дузаҳдир». Шу-нинг учун бу луқмани чиқариб ташлаш билан жасадимга етади-ған ҳар қандай зарарнинг олди-ни олдим», — деган эканлар.

Мўмин-мусулмоннинг тақдири-ни белгилашда ҳалол-ҳаромни фарқлаш ҳал қилувчи омил экан-ини Пайгамбар Ҳазратимиз ўз-ларининг Ҳазрат Али Муртазога қилган восиятларида аниқ-рав-шан баён этганлар:

— Ё, Али, кимки ҳаром (луқ-ма) егай, қалби улғай ва дини йўқолгай ва теъда у заифлашгай ва тоату дуоси мустажаб бўлгай.

— Ё, Али, ҳар ким ҳалол (луқ-ма) еса, унинг дини кучаяди, ди-ли танг бўлмайд ва кўзлари Ху-дои Таолодан қўрқиб ёшланади ва унинг дуоси мустажаб бўла-ди.

— Ё, Али, бу банданинг наси-баси жаннатдан ва дини мустаҳ-кам бўлади, дили қоронгу бўл-майди ва Ҳақ йулини яхши кура-ди».

Куръони Каримнинг жуда кўп жойида Аллоҳи таоло ўз банд-ларига меҳрибон, раҳмдил экан-ини ҳамда зolim эмаслиги қайта-қайта таъкидланади. Дарҳақиқат, каффорот бериш билан тузал-майдиған, яъни кечирилмайдиған

гуноҳи кабиралардан ташқари, ҳаммаики гуноҳлардан бандаси сидқидилдан таъба-тазарру қил-са, Худою таоло кечиб юбориши мумкинлиги ана шу меҳрибонлик ва раҳмдилликнинг ёрқин дало-латидир. Бугина эмас. Таъба қил-ган кимса, гуноҳидан тамоман му-саффо бўлади. Пайгамбар Ҳаз-ратимиз марҳамат қилганлари-дек: «Гуноҳидан таъба қилувчи ки-ши гуноҳсиз одам билан баро-бардир».

Аксар кишиларимиз ҳалол бил-лан ҳаромнинг, савоб билан гу-ноҳнинг фарқига бормайдиған бўлиб қолган ҳозирги кунда Ал-лоҳ учун ҳижрат қилишининг энг афзали. Унинг томонидан қа-тагон қилинган нарсаларни тарк этиш, Расули ақрам айтганлари-дек, «ҳаромдан ҳалолга кўчи-шир». Бу ҳижратни ҳар бир мў-мин-му-сулмон узидан, уз ои-ла-си-да-н-бо-ш-ла-ши даркор. Қалби-да зар-радек иймони бўлган ки-ши-ми-л-лий-ис-ломий қад-риятла-римиз тикла-нган хозирги пайтад-шу кун-га-ча

жумла-дан уш-бу эр-хотин ҳам шу тоифа-дан эканлиги-га шубҳам йўқ. Ҳар хил ҳаёл, шубҳа-ғумонлар гирдобида Шаҳрисабз шаҳар хо-кимияти қошидаги хотин-қизлар кўмитасига кириб бордим. Куми-та раиси Роҳила Эшалиева нима мақсадда келганимни билгач оғир тин олди, бу галвадан уни-н ҳа «боши оргиган» чоги менга бир пилёла чой узатиб, гап бош-лади.

— Биласизми, агар ҳамма ўз бурчини тулиқ бажарганида шундай воқеа-лар содир бўл-масди. Хўш, ажримга сабаб суюқ оёқлик экан, икки иш-лар ҳодимлари учун бунинг рост ёки ёл-гонлигини ис-ботлаш шунча-

лар оғирми? Аёл бўлганим учун эмас, оддий инсон сифатида 42 ёшли аёлнинг тақдирига ачина-ман, боласини курсам ич-ичим-дан эзиламан. Уша «жабрланув-чи» ота майли, аёли учун эмас ўз фарзанди учун уй сотиб олиб берса ёки уй-жойидан қисман аж-ратса, олтимишга кирган одам учун бу катта йўқотиш бўлмаса керак деб ўйлайман.

—Роҳила опа, айнан шаҳар хо-тин-қизлар кўмитаси уларга қан-дай ёрдам кўрсатиши мумкин? — Эри келиб, болам мактабда ўқимаяпти, ёрдам берингла-р дейди. Биз мактабга жойлаб қўйдиқ, кўп ўтмай аёл мактабга бориб болани олиб кетибди. Уч-рашганим: «Боламини отасига бермайман, суд уни мен билан қолдирган», дейди. Уйлашимча, ҳар иккалеси ҳам болани тарбия қила олмайди, бунга уларнинг ўзлари йўл беришмайди.

— Шундай экан, болани мах-жумла-дан уш-бу эр-хотин ҳам шу тоифа-дан эканлиги-га шубҳам йўқ. Ҳар хил ҳаёл, шубҳа-ғумонлар гирдобида Шаҳрисабз шаҳар хо-кимияти қошидаги хотин-қизлар кўмитасига кириб бордим. Куми-та раиси Роҳила Эшалиева нима мақсадда келганимни билгач оғир тин олди, бу галвадан уни-н ҳа «боши оргиган» чоги менга бир пилёла чой узатиб, гап бош-лади.

— Биласизми, агар ҳамма ўз бурчини тулиқ бажарганида шундай воқеа-лар содир бўл-масди. Хўш, ажримга сабаб суюқ оёқлик экан, икки иш-лар ҳодимлари учун бунинг рост ёки ёл-гонлигини ис-ботлаш шунча-

лар оғирми? Аёл бўлганим учун эмас, оддий инсон сифатида 42 ёшли аёлнинг тақдирига ачина-ман, боласини курсам ич-ичим-дан эзиламан. Уша «жабрланув-чи» ота майли, аёли учун эмас ўз фарзанди учун уй сотиб олиб берса ёки уй-жойидан қисман аж-ратса, олтимишга кирган одам учун бу катта йўқотиш бўлмаса керак деб ўйлайман.

—Роҳила опа, айнан шаҳар хо-тин-қизлар кўмитаси уларга қан-дай ёрдам кўрсатиши мумкин? — Эри келиб, болам мактабда ўқимаяпти, ёрдам берингла-р дейди. Биз мактабга жойлаб қўйдиқ, кўп ўтмай аёл мактабга бориб болани олиб кетибди. Уч-рашганим: «Боламини отасига бермайман, суд уни мен билан қолдирган», дейди. Уйлашимча, ҳар иккалеси ҳам болани тарбия қила олмайди, бунга уларнинг ўзлари йўл беришмайди.

қилган жамики гуноҳларидан астойдил таъба-тазарру қилиб, ўз нафсига қарши доимий ку-раш йўлига ўтиши ва оила аъзоларини ҳам шунга ўргати-ши лозим ва лобид. Бу бени-ҳоя мушкул иш, аммо ундаси-дан чиқса бўлади. «Чин кунгил-дан йилгласа, сўқир кўздан ёш чиқар», дейди донишманд ҳал-хоши гуноҳсиз одам билан баро-бардир».

Аксар кишиларимиз ҳалол бил-лан ҳаромнинг, савоб билан гу-ноҳнинг фарқига бормайдиған бўлиб қолган ҳозирги кунда Ал-лоҳ учун ҳижрат қилишининг энг афзали. Унинг томонидан қа-тагон қилинган нарсаларни тарк этиш, Расули ақрам айтганлари-дек, «ҳаромдан ҳалолга кўчи-шир». Бу ҳижратни ҳар бир мў-мин-му-сулмон узидан, уз ои-ла-си-да-н-бо-ш-ла-ши даркор. Қалби-да зар-радек иймони бўлган ки-ши-ми-л-лий-ис-ломий қад-риятла-римиз тикла-нган хозирги пайтад-шу кун-га-ча

Мийн Солиқ РАББОНИЙ,
Халқаро Ислом таълиқот
маркази илмий ҳодим



Оилада фарзанд туғилса қан-чалар қувонамиз. Унта бўлса, ўр-ни булакча деганларидек ҳар бир фарзанд учун алоҳида орзу-ва-аслар қиламиз... Минг бир ма-шаққатлар тортиб уларнинг иқ-боли учун кечани-кеча демасдан олиб югурамиз. Бу ҳол юзакчи қа-раганда гўё ота-онанинч бурчи-дек туюлади, аммо, чуқурроқ ўйласак...

...Газетада ишлашимдан ха-бардор шекилли, кейсаиб қол-ган бир киши менга учрашиб, фарзанди масаласида ёрдам бе-ришини сўради. Узини Чори Му-ротов деб таништирган бу одам кўп йиллар ички ишлар ҳодими бўлиб ишлаган, хозир эса нафа-қада экан. Хотинининг вафотидан сўнг 1986 йилда бошқа бир аёл-га уйланиб, ундан бир уғил кур-ган. 1993 йилга келиб судга аж-ралиш ҳақида ариза беради. Узоқ-қиндан анча гаплашган қа-рия уртада қолган фарзанди Дил-шод Муротовни ўз тарбиясига олиш ва бу ишни қонуний ҳал этиш мақсадида эканлигини айт-ди.

— Балки менинг гапларимга ишонмасиз, мана, бола билан сўхбатлашинг, — дейди у ёнида-ги болани кўрсатиб. — Мактабга бормайди, эртдан кечгача қа-ровсиз, вокзалда (онаси уша ер-даги ошхонада ишларкан) дайдишди. Нима бўлганда ҳам фарзандим, унинг тақдирига бе-фарқ қарай олмаيمан. Бормаган жойим қолмади, ҳаммасидан бир хилда жабоб оламан; бола 10 йш-гача онаси билан бўлиши керак, ундан сўнг ким билан яшаш бо-ланиннг ихтиёрида эмиш. Жуда қийналиб кетдим, майли мабуот-да эълон қилинғ, балки бу маса-ла шунда ҳал бўлар.

Секин болага разм соламан. Юпунгина кийинган, кўзлари кат-та ёшли одамларникидек вазмин боқади.

— Дилшод, қачондан бери мак-табга бормайсан?

— Бир ойча бўлди.

— Қаерда яшайсан?

— Онам билан қоровулхонада.

— Жойларинг яхшими?

— ...

— Ким билан яшашни хоҳ-лайсан?

— Отам билан.

— Нера?

— Отам урмайдилар...

Саволларим гўё болани қийнаётгандек туюлади, ҳавтда-ги кўп шафқатсизликларни қўриб, эрта улайган, ҳамма нарсага бе-фарқ боқаетган унинг кўзларига тик қарашга ботинолмайман.

— Узим ўқитаман. Еб-ичиши, кийим-боши, ҳаммасига қа-райман, — дея гап бошлайди бо-ланиннг отаси.

— Энди ургана бош-лагач онаси олиб кета-ди. Уртада бола гара-нғ, ахир... қачонгача давом эти-ши мум-кин...

Суддаги-лар билан учрашиш керак! Шу қарор билан Шаҳрисабз туман суди ижрочи-си Ҳимоят Қўймовага юзланди.

— Ҳимоят опа, Чори Муротов-нинг талаби ҳақида қандай фи-крдасиз?

— Урлини, аммо ҳозирча илож-сиз. Иккала томон ҳам ақл билан иш юритишча, болани менин-г ўйлашимча отасига берган маъқул. Чунки отада бола тарбия-си учун тула имконият мавжуд, аммо, она бунга қатъиян норози.

— Онаси масаласида баъзи ноаниқликлар бор. Бола она би-лан қолдирилган, онанинг эса ту-рар жойи йўқ...

— Тушундим, суд ишни тула текширгач, уй-жойлар бу аёл Чо-ри Муротов никоҳига ўтмасдан олдин ҳам борлигини ҳисобга олиб, шу асосда қарор чиқарди. Қолган мол-мулкнинг иккаласига ҳам тегишлиларини тасдиқловчи ҳужжатлар бизда сақланмоқда.

— Бола онага қолдирилаётган-да аёлнинг ахлоқини ҳам ҳисоб-га олдиларингизми?

— Аёлнинг ахлоқи ҳақидаги гаплар исбот этилгани йўқ. Уни-н ахлоқан нопоклигини тасдиқ-ловчи бирорта ҳам ҳужжат йўқ. Келинғ, яхшиси аёл ҳақида га-плашишдан олдин ўзи билан уч-рашайлик.

Биз Ҳимоят Қўймова билан йўлга чиқдик. Йўл-йўлакай авто-буслар турадиған майдонда уйнаб юрган Дилшодни қурдим-яна таъбим хира бўлди. Демак, яна мактабга бормабдим...

Ошхона хизматчиларининг кистови билан бизнинг олдимиз-

га боласини етаклаб келган аёл негадир менинг тасавуридаги аёлга ўхшамасди. Уст-боши бир ҳол, чарқочдан кўзлари киртайган бу аёлга қардаб туриб наҳотки шу аёл сўёқ оёқ бўлса, деган фикр миямдан ўтди. Яна ким билади дейсиз. Мол олasi юзида, одам олasi ичида, деганларидек, бал-ки...

— Болани ҳеч кимга бер-майман. Яхшиси суд бизга уй-жойни ва машинани ажрим қи-либ берсин. Шунча йил бирга яшадик, ўртада болаимиз ҳам бор. Наҳот энди ажралишгач болам билан кучада қолиб кетсам...

Кўз ёшлар, ёмонлашлар, но-розиликлар...


Йўқ бу аҳволда калаванинг учи-ни топиш мушкул. Икки томон ҳам ўзини азият чеккан деб ҳи-соблайди ва бор кучи иродаси билан ўзини ҳимоя қилади. Бу фикр адашмасам кўпчиликка хос,

— Болани ҳеч кимга бер-майман. Яхшиси суд бизга уй-жойни ва машинани ажрим қи-либ берсин. Шунча йил бирга яшадик, ўртада болаимиз ҳам бор. Наҳот энди ажралишгач болам билан кучада қолиб кетсам...

Кўз ёшлар, ёмонлашлар, но-розиликлар...

Турмуш чорраҳаларида

КўЧАДА ҚОЛГАН БОЛА



Мен унинг номини, даставвал, бувимнинг гоҳи қувнок, гоҳи маҳзун эртақларида эшитганман. Унинг Фарҳодини, Ширинини, Бахрому Дилоромини узун тунлар киприкларимни уйқунинг залворли юкларидан асрай-асрай тинглаганман. Ялмоғиз кампирнинг «сирлари»ни ундан олдинроқ бориб, Фарҳодга етказганман. Баҳромдан Дилоромни дашту биёбонларга ҳайдаб юбормаслигини утиниб-ути-ниб сураганман...

Алифбони ҳижжалаб ўқий бошлаганимдаёқ бу сўз санъаткорининг қўлимга тушган китобларини титкилашдан эринмаганман. Кечалари китобларни ёстигимнинг тагига қўйиб ухлаганларим эсимда. Тушларимда унинг сиймосини кўз олдимга келтиришга кўп бора уринганман. Аввал қишлоғимиздаги Болта бобога ўхшатганман уни. Ухшамаган. Сунгра Қодир бобога қиёс қилганман. Қиёсини топа олмаганман. Урол бобо билан солиштириб қўрганман, Яна бўлмаган. Ҳанузгача унинг сиймосини ҳеч бир зотга ўхшата олмаيمان...

У пайтада кўшнни на ойга, на юлдузга тенглаштириб бўлмаслигини қаердан билмай?! Қишлоғимизда Фозил ака деган киши яшарди. Ҳовлисида қафасга солинган каклиги бор эди. Бир маъракада қафасларнинг олдига бориб, бувим такрорлайверганидан менга ҳам ёд бўлиб кетган мисраларни ўқиганман.

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Ҳамма қулиб юборган ушанда. Уятдан лов-лов ёниб, бувимнинг ҳузурига югуриб келганману воқеани тўтилатутила сўзлаб берганимда, у:

— Раҳмат, ўғлим. Яхши қилибсан, тўғри қилибсан. Қулишса қулишаверсин. Ақлинга сиққанини айтгансан-да сен. Ҳали катта бўлсанг янада чуқурроқ, янада теранроқ англайсан айтган мисраларингни. Шунда сендан ҳеч ким қулмайди, — деган эди. Сунгра юқоридаги рубойини такрорлай-такрорлай Мирзо Бобур ва Фурқатларнинг ҳаёти-ижоди ҳақида узоқ сўзлаганди.

Ва ниҳоят, ривоятлар, ҳикоятлар, эртақлар ва дostonлар орасида кўзга чалинар-чалинмас бир сиймо қўрина бошлади. Унинг шеърят мулкининг султони, улкан сўз санъаткори, ўзбек адабий тилининг асосчиси, мутафаккир

ва қандайдир таърифлаб бўлмас бир зот — Алишер Навоий эканлигини англадим. Ушандан буён унинг сиймосини аниқроқ қўриш ниятида тобора олдинга интиламан. Кимларгадир бир ўхшатгим келади уни. Бироқ, ҳанузгача унинг сиймосини ҳеч бир зотга ўхшата олмаيمان...

Мактабда ўқиганларимиз,



БЕШ ЯРИМ АСРЛИК ЙЎЛ

талабаликда жон қулоғимиз билан тинглаганларимиз — Навоий эди. Дуконларга кириб энг сунги чақаларга ҳарид қилган, кутубхоначи қизлар билан тортишиб-талашган китобларимиз — Навоий эди. Талабалик давримизнинг жуда кўп қисмини «ўғирлаган», бахру-байт уйнаганимизда топилмас ҳарфларга ўзини чоғлаган, тўғрилаган — Навоий эди.

Узоқ Шарқда хизматимни утаётган чоғларимда рота-мизга янги солдат келди. Ҳамма сингари мен ҳам у билан қизикдим. Исми Сергей, фамилияси Богомолов экан. Миллати рус. Асли Хабаровскдан бўлиб, Уссурийск педагогика инситутининг рус тили ва адабиёти факултетини тамомлаши билан хизматга қақирилган экан.

У мен билан ўзбекча гаплашди. Албатта, «маники билмайди» қабилда. Кейин билишимча, у Алишер Навоий асарларини жон-дилдан севиб ўқиркан. Навоий хурмати ўзбек тилини ўрганишга аҳд қилибди. У шоир ҳаёти ва ижодини жуда чуқур билар, газалларини ёддан ўқирди. Гоҳи-гоҳида унинг саволларига жавоб тополмай мулзам бўлардим.

Шунда мулзам бўлсам-да, қувондим. Жуда қувондим. Мутафаккир бобомизнинг Узоқ Шарқни ва умуман бошқа миллат халқларининг ҳам дилини забт эта олганига қувондим. Беихтиёр унинг:

Низомий олса Бардаё бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа,
Чекиб Хисрав доғи тиги забонини,
Юриб фатҳ айласа Ҳиндистонни.
Яна Жомий Ажамга урса навбат,
Арабда доғи солса қуси шавкат,
Агар бир қавм, гар юз йўқса — мингдур,

Муайян турк улуси худ менингдах.
Олибмен тахти фармонимга осон,
Чирик чекмай Хитодин то Хуросон
— мисралари ёдимга тушди.

Шоир орзулари амалга ошди. Бугунги кунда Алишер Навоий Ширининг ватандошлари эронийларнинг ҳам, Шопурнинг юртдошлари арманларнинг ҳам сеvimли шоирдир. Унинг газаллари унлаб тилда янграмоқда, асарларини минглаб кишилар тиз чўкканча шутолаа қилмоқда: Одами эрсанг демагил

ги ҳам мана шунда. Қишнинг узундан-узоқ тунларида қўлимга яна Навоийни оламан:
Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кузларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.
Ҳайратланаман. Ҳаяжонланаман. Байтларнинг тиниқлиги, улардан таралаётган оҳангларнинг синиқлиги бўғиб қўяди мени. Беихтиёр киприкларим намланади. Кўз унгимда шоир сиймоси яна бироз теранлашгандек бўлади. Қўлларимни чўзаман унга. Ета олмаيمان.
Шоирни замон Фурқат «...

эдик.
Бир куни домла бизни ёрдамга чақирди. Кейин билсак унга янги уй беришган экан. Домланинг эски уйига бориб ҳаммамиз ҳайратдан ёқа ушладик. Шунчалик китоблари кўпки... Китобларни уйдан чиқариб машинага орта бошладик. Шу пайт кимнингдир қўлидан тўртта-бешта китоб ерга тушиб кетди. У қайрилиб орқасига қаради-ю, қўлидаги бошқа китоблари тушиб кетмаслиги учун ноилож кетаверди. Қандайдир китобни оёғи билан босиб ҳам олди. Домла бунни кўрди-ю, югуриб келиб сочилиб ётган китобларни секин териб олди. Кўзойнагини тақиб қўзига яқинлаштирди. Лаблари оҳиста пичирлади. Китобларни юзларига босди. Сунгра индамаздан ичкарига кириб кетди ва узоқ вақт чиқмади...

Бу — Навоий асарлари ва шоир ҳақида ёзган ўзининг мақолалари эди.

Ана шундан кейин Навоийнинг чинакамига сўйса, суйдиган, суяна суянадиган, сизинга сиғинадиган аллома эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Беш ярим асрлик узун йўл... Йўлнинг нариги бошида тагин уша тасавуриmdаги сиймо. Ундан менгача бўлган масофага шундай нозик мусиқа торлари тортилганки, ногаҳон ўгирилгудек бўлсанг садо беради. Мен эса ўгирилавераман, ўгирилавераман. Ҳар ўгирилганда мусиқа торлари турфа оҳангларда садо чикаради, кўз унгимда камалак ранглар жилоланади, ўзимча ниманидир кашф этгандек буламан. Орамиздаги масофа яқинлашгандек туюлади. Яна ўша нурафшон сиймо! Кимгадир ўхшатгим келади уни. Бироқ, ҳанузгача унинг сиймосини ҳеч бир зотга ўхшата олмаيمان...

Эсирган БОЛИЕВ

Бўш вақтингизда

«УЛУФ ШОИР» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарийлар! Аввал қўйидаги таърифланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Беш дostonдан иборат шох асар — 18, 1, 5, 16, 1.
2. Алишер Навоийнинг севги ва садоқат дostonи қахрамони — 3, 2, 4, 2, 12.
3. Навоий ҳақида энг кўп асар ёзган ижодкор ва олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси — 6, 21, 15, 11, 17.

4. Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» тарихий драмаси қахрамони — 7, 8, 20, 2.

5. Навоий газали билан ижро этиладиган мумтоз кўшиқлардан бири — 14, 4, 8, 4.

6. «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова маҳорат билан гавдалантирган маккор аёл — 9, 16, 8, 5, 1, 12.

7. Мумтоз адабиётда шоир шеърларининг қофия ва радифларига қўра нашр

этилган тўплам — 10, 11, 13, 6, 12.


8. Бир байтдан иборат мустақил шеър — 19, 1, 4, 10.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммонгани ечинг. Унда аён бўладиган икки мисра шеърый ҳикмат Алишер Навоий қаламига мансуб.

Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг 3-сонида эълон қилинган топқирлик жавоблари:

1. Қуръон.
2. Намоз.
3. Закоат.
4. Тасбеҳ.
5. Ҳадис.
6. Савоб.
7. Башорат.
8. Ташаҳҳуд.
9. Домла.
10. Азон.
11. Нух.
12. Ҳаж.
13. Жума.
14. Аълам.
15. Муҳаррам.
16. Масжид.



— Забаржад опа, сиз Семашко номли даволаш оромгоҳида куп йиллардан буён аёлларга гузаллик, латофат, мафтункорлик улашиб келмоқдасиз. Қолаверса машхур пардоз устасисиз.

Римлик машхур косметолог Аритон «Аёллар узлари оро беришларининг сирини фақат чиройли кўринишга интилишгина эмас, балки пардоз қилиш жараёнида кишининг кайфияти кўтарилади, хушчақчақлашади» — деб айтган экан. Сиз мана шу фикрга қандай қарайсиз?

— Аёлдир эркакдир аввало ҳар томонлама гузал бўлсин. кўнглида меҳр, самимият, эзгулик барқ урган инсоннинг юзи нурли ва тиниқ бўлади. Сиз эслатган ибораларда жуда катта маъно бор. Ташқи гузаллик ички гузаллик билан чамбарчас боглиқ.

Биз косметологларнинг бирдан-бир мақсадимиз — ҳар бир аёлни узидаги мавжуд гузалликни кўра билишга, уни шакллантиришга ургатишдир. Юзда бир нуқсон бўлса уни йўқотиш мумкин, терисини ташқи таъсирлардан ҳимоялаш чораси кўп, соч парвариши сирлари ҳам оз эмас.

— Пардоз қилишда фаслани, ҳавонинг иссиқ-совуқлигини ҳам ҳисобга олиш ке-

Гузаллик сирлари

СОВУҚ КУНЛАРДА ПАРДОЗ

рак бўладими?

— Албатта. Мана, ҳозирги совуқ кунларда қандай пардоз қилиш керак. Шулардан баъзи бирларини айтиб утмоқчиман:

Қиш фаслида юз териси парвариши, пардозини учун энг мақбул пайт ҳисобланади. Юз териси юмшатовчи, озиклантирувчи малҳамларни яхши қабул қилади. Пардоз ҳам ёзга нисбатан совуқ кунларда ёрқин, куюқ ранглари талаб этади.

Куз ва аёзли киши кунлари киши очик ҳавода юрса, совуқ таъсирида юздаги қон томирлари торайиб, таранг-лашади, юз куриб янгиланади. Бунинг олдини олиш учун ҳар ким аввало юз терисининг узига хос хусусиятларини яхши билмоғи керак. Агар юз териси ёғли бўлса, совуқда қизаради, хунсбүзарлар яллиғланади. Совуқ таъсирида ёғ катакчалари беркилиб

қолади. Шунинг учун ёғли териқишда алоҳида парваришни талаб қилади. Бундай терини ҳар куни икки маҳал атир совун билан иссиқ сувда ювиш керак. Ёғли юз терисини буглаш ҳам яхши натижа беради. Бундан ташқари вақтингизни, озгинагина эътиборингизни аямасангиз ҳафтада икки марта озиклантирувчи, фойдали малҳам қўйишни маслаҳат бераман. Малҳамларни тайёрлаш осон:

1 ош қошиқ ун, 1 та тухумнинг оқи, 3 ош қошиқ қайноқ сув, 1 ош қошиқ кепак аралашмани илик ҳолда 10-15 дақиқага қўйилади, сўнг нам пахта билан артиб ташланади.

Қишда ёғли юз терисига юмшатовчи, таркибида ёғ кўп бўлган кремлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Чунки қуруқ юз териси совуққа таъсирчан, шундан тез куришиб, қипиклашади. Қуруқ терини эрталаб оддий сувда юлмаган маъқул.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Хурматли устозим, милиция майори **Анваржон ака КЕЛДИЕВ!** 46 ёшингиз муборак!

Сизга узок умр, тансиҳатлик, оилавий бахт тилаб, **шоғирдингиз МАДАМИНБЕК**

Азиз падари бузрукворимиз **Анваржон КЕЛДИЕВ!** Сизни 46 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Биз сиз билан фахрланиб, сизга муносиб зурриёд бўлиш нияти билан яшаймиз. Кўнглингизда неки орзулар бўлса рўйбини кўринг.

Рафиқангиз Назира, фарзандларингиз Умида, Уллубек, Саида, Дилфуза, Марғуба, Отабек, набирангиз Музаффар

Сингилларингиз номидан Эътиборхон

Мухтарама рафиқам ва болаларимизнинг сеvimли онажониси, бувижониси **Норхол АШИРОВА!**

Сизни муборак 50 ёшлик таваллудингиз ва педагогик фаолиятингизга 30 йил тулиши муносабати билан чин дилдан қутлаймиз! Узок умр, сиҳат-саломатлик, яхши кайфият тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг.

Сизни муборакбод этиб турмуш ўртоғингиз, ўғлигиз ва набираларингиз. Қарши

Ота-она гўё богбон, Фарзанд — дуркун навиҳол. Зарбанд эли, **ШОҲРУХЖОН,**



Тилаймиз сенга иқбол! Тонгги афиф шудрингга Кўзгудир, бўйла — кўёш... Гулдек мурғак умрингга — Тўлмишдир бугун 1 ёш!

Бобонг — Низомхон, бувинг — Турсуной; Даданг — Кутбиддинхон, ойинг — Нодирахон ҳамда АКБАРОВлар хонадонининг барча аъзолари.

Самарқанд вилоят, Иштихон туманининг Зарбанд қишлоғи.



Азиз акажонларим **Ихтиёр, Баҳром!** Қадрли укагинам **Мирзо!** Сизларни таваллуд топган кунларингиз билан қутлайман. Умрингиз узун, иқболингиз фузун бўлсин. **Муштипарларингиз Мухаббат**



ЯНА САҚИЧ ҲАҚИДА

Мен эсимни танибманки, қиз-жувонлар сақич чайнашади. Ёшлигимизда ойимлар, келин-нойимлар, опамлар, қўшни қизлар, ҳатто баъзи йигитлар қарсиллатиб қўйишарди сақични. Оқ-қора ялтироқ сақичлар бўларди. Сақич чайнаганда тишлар тозаланади, одамни жағлари бакувват бўлади, дейишарди. Орадан кўп йиллар ўтиб, сақич чайнашни зарарли одатга чиқаришди. Одамлар уни озига олмайдиган бўлди, фақат кинофилмларда чет элликларнинг сақич чайнаганини курардик, холос. Мана ҳозирги кунда ёшу қари десам хато бўлмас, яна резинка сақич чайнайдиган бўлиб қолди. Сақичнинг ҳар хил турлари ишлаб чиқариляпти.

Сақич чайнашнинг зарари борми, деб сурашадиган баъзи одамлар. Зарари йўқ. Сақич чайнаш турли касалликлар келтириб чиқаради, деган гаплар, умуман, асоссиз.

Сақичнинг нимадан қилинган аксари ёрлигида ёзиб қўйилган бўлади. Эластик асос, шакар (ёки сорбит), хушбўй ҳид бергувчилар, хуллас, ҳар бир фирманики ҳар хил.

Туркиядаги «Кент» фирмасида сақич тайёрлаш учун мутла-

қув ҳам қуруқ териға таъсир қилади, шунинг учун уни юмшатиш — 1 литр сувга ярим стакан сут ёки бир чимдим ичимлик содаси қўшиб ювиш лозим.

Юмшатовчи малҳам — кремдан 5—10 дақиқага суртиб қўйилади ва нам пахта билан артиб тозаланади.

Қуйидагича малҳамларни ҳафтада 2 марта қўйилса терини анча юмшайди, тозаланади. Битта олма қирғичдан утказилиб, 3-4 қошиқ сут солиниб паст оловда қайнагунча аралаштириб турилади. 10-15 дақиқагина суртилади.

Бошқа усули: Битта тухум сариғи, 1 чой қошиқ қаймоқ, Ниқобни 10 дақиқадан сўнг артиб ташлашни унутманг.

Гавҳар МИРЗАЕВА тайёрлади.

Бу ажиб дунё ИШ АЗИЗМИ, ОЁКМИ?

АҚШда утказилган суровда қатнашганларнинг 87 фоизи ишсизлик баалосига гирифторм бўлмаслик учун битта бармоқларидан воз кечишга ҳам тайёр эканликларини айтишган. Лекин буниси ҳали ҳолва. 48 фоиз суралганлар ойлик маошларини икки барвар оширишса ва ҳеч қачон ишсиз қолмасликлари кафолатланса, оёқларидан бирини кесиб ташлашларига ҳам рози бўлажакларини изҳор этганлар.

қо одамнинг қўли ишлатилмайди, мабодо қўл уриш зарур бўлиб қолса, тиниқ стерил қўлқоп кийиб олишади. Фабрикада «кечиб олиш» деган гап йўқ, мабодо цехда бирорта одам чеккудек бўлса, ваҳима сигнал чалинади, чеккан одам шу заҳоти ишдан ҳайдалади. Таъминлаш иши чўзилиб кетиб, иш ярим соат тўхтаб қолгудек бўлса, таъминлаш хизмати бошлиғи ишдан бўшатилади. Резинка сақичда концентроген, яна қанақадир зарарли нарса бор деган гап ёлгон. Лекин сифатта эътибор бермоқ керак. Масалан, баъзи дуконларда яроқлилик мuddати ўтиб кетган сақични сотишади, бунақасини сотиб олманг. Сақичнинг яроқлилик мuddати ёрлигида ёзиб қўйилган. Яна хорижда сақичлар ишлаб чиқарувчи яширин фабрикалар ҳам йўқ эмас. Уларда тайёрланган сақич худди қўлбола ароқ каби, сифатига кафолат йўқ, яроқлилик мuddати ёзилмаган. Бундай сақичларни чайнаш ярамайди. Уларнинг таркибида инсон организм учун зарарли моддалар бўлиши мумкин.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.



Хурматли **Собиржон ЁКУБЖОНОВ!** Сизни 50 ёшингиз билан қутлаймиз.



манманлигини умр бўйи қишлоқдагилардан яшириб келди.

«Кечагина келиб мени кўриб кетишди! Байрамга деб кўйлак, румол совга қилишди. Вой, ишлари шундай кўпчилигидан кечаси келиб кетишди-я, бойқушларим». Бувининг бундай ёлғонига ўрганиб кетган қишлоқ аҳли индамай маъқуллаб қўйишарди.

Шаҳарлик бўлиб кетган ўглининг байрамлари шунчалик кўп эди. Болаларнинг ҳар бирини туғилган кун, хотинини биринчи марта учратган кун, ҳеч бўлмаса туғилганига бир йил бўлмаган чақалогини олти ойлигини, етти ойлигини

рққани, қаро кун-ҳаёт билан видолашадиган кун етиб келди. Йўқ, у ўлимдан кўрқмас эди. У фақат ўглини сўнги марта кўриб, қаро сочларидан ситлаб, қаро кўзларига термулиб улмоқчи эди, холос. У «Бечора кампир оламдан утибди, аммо, ўгли ҳаммадан кейин етиб келибди», — деган гапдан кўрқарди. У деразага қараб, эшикка қараб интизор-интизор боқди. Унинг олдига кимлар келиб-кетмади. Эшикдан кимлар кириб-чиқмади. Қизлари, кўвёлари, кексалар, ёшлар, аммо у ҳаммадан ўглини сўрарди. Дийдорига ташналиги шу қадар улкан эдики, яширмоққа ожиз эди.

Буви бечоранинг кўзлари очик кетди. Ўгли етиб келгач ҳам ёпилмади. Ўглининг ва келинининг ҳақиқий қиёфаси кейин очилди. Қўли калталиқ деб, марҳумнинг маросимларини жойига қўймай (аслида бунга ҳеч ким талаб ҳам қилмади), тезда шаҳарга жўнаб қолган худбинлар кампирнинг ўлимига йил ўтмай қишлоққа алламбало машина миниб, томоша кўрсатаётган масхарабоздек кириб боришганида, улар ўйлаганидек қишлоқдагилар оғиз очиб қолишмади. Аксинча, қурганлар ҳам индамай, бош эгиб ўй-уйларига кириб кетишди.

Зулфия
МҰМИНОВА

ДЕРАЗА

«АНЪАНАВИЙ СПОРТ ТУРИ»

Италияликлар ҳозирги вақтда анъанага айланган спорт турларидан бирини «солиқ тўловларидан қочувчилар» деб аташмоқда. Шундай спортчилардан бири, Падуи шаҳрилик ишбилармон Силвио исмли киши экан. У тўламаган солиқлар миқдори бугунги кунда 1,5 млрд лир (1 миллион долларга яқин)ни ташкил этади. Силвио яқинда бандаликни бажо келтирди. Унинг оиласида эса маош оладиган меҳмонхона бекаси бўлиб ишлайдиган 34 ёшли қизи Паола экан холос. Ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда, у ўз маоши ҳисобидан отасининг солиқлар қарзидан 415 йил мобайнида қутилиши мумкин экан.

ДИАНА ҚИРОЛИЧА БЎЛАДИМИ?..

Шаҳзода Чарлзнинг хотини, малика Диана Буюк Британиянинг қиролчаси бўлиши мумкинми деган саволга Япониядаги «Дайэй» кинокомпаниясининг президенти Ясуиси Токума «мумкин», деб жавоб бермоқда. Фақат амалда эмас кинода холос.

Ясуиси Токума малика Дианага кинода Викториа қиролчаси ролини ўйнашни таклиф қилмоқчи.

МЕҲНАТСЕВАР САЙЁҲЛАР

Корея пойтахти Сеулга сайёҳатга борган уч нафар россиялик хотинлар ноқонуний равишда ишлаганликда айбланмоқда.

Хабаровсклик бу хонимлар Сеулдаги барлардан бирида, виза ишлаш ҳуқуқини бермасида, ишлаганлар. Улар фоҳишалиқда ҳам айбланмоқда. Бу ноҳуш воқеа россиялик хонимларга 1 йиллик қамоқ жазоси берилиши хавфини солапти.

ФОЛИБЛИК УЧУН СОЛИҚ

Россия телевидениеси орқали бериладиган «Нима? Қаерда? Қачон?» телеуйинини ҳамма яхши билса керак. Унда Ереванлик рус тили ўқитувчиси Марк Григорян 25 миллион рубллик совринни қўлга киритди. Ютуқдан қувониб уйга кетмоқчи бўлиб турган голибдан солиқ инспекцияси ходими шу ернинг ўзида 6 миллион 100 миң рубл солиқ тўлашини талаб қилди. Марк Григорян Ереванга боргунча ёнида қанча пул қолиши ҳали номаълум.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ХУДБИН ЎГИЛ

ёки кўзи очик кетган муштипар она қиссаси

Мен нуруний онахонни танирдим. Ҳозир у онахон орамизда йўқ. Жойлари жаннатда бўлсин илоё. Қариган чоғимда ёлғиз қолмай, деб эллиқдан ошгандан сўнг минг бир илтижою, тиловат, саждаю ибодатлар билан ўғил кўрибдилар. Ишонмаслигиниз мумкин, эллик ёшдан сўнг. Табиийки, сут етмабди. Онахон иссиғу-совуқ демайин гудакни кўтариб эмизикли боласи бор хонадонга қатнабди. Эрхотин узлари емай-едириб, киймай-кийдириб ўғилни катта қилибдилар. Қариганимизда тиргак бўлади, деган ўғил ҳали оққорани ажратиб улгурмаган пайда ота оламдан утибди. Ўғил ўқишга кетиб онахон ҳайхотдек ҳовлида ёлғиз қолибди. Онахондан бировнинг хасми-қизлари ҳар кун хабар олишарди, қолаверса қариндош-уруғ, маҳалла, қишлоқдаги меҳри одамлар уни ташлаб қўйишмасди.

«Ўғил уйланса, ҳовли тўла набиралар билан кун қандай утганини билмай қоламан» — деб орзуда юрганда, ўгли узидек шаҳарни севувчи қизга уйланди. На ота-она, на

опа-сингил, на ака-укани билувчи икки худбин топишдилар. Она туй қилиб, бекаму кўст таъминлашига қарамай ўғил билан келин шаҳарга қараб парвоз қилди-

лар. Ёлғиз онахон яқин туровчи қизларига сўянди.

Унда-бунда келиб кетадиган ўғил эса, «Отамдан қолган бойликлар қани, уни қизларинга бўлиб бергансан», — дейдиган одатлар чиқарди. Саксондан ошиб қолган онахон барибир ёлғиз ўғлини кечирар, улиб-нетиб қолсам оғирлигим тушмасин деб, нафақасини тўллаб ўлимлик йиғарди.

Бу орада онахоннинг қизларидан бири туй қилди. «Болам, одатимизга қўра, тоға сифатида бирон нима тўёна қиларсан», — деган кампирга:

— Биласиз, шаҳарда яшаймиз. Бу ерда сув ҳам пул. Сиз бизнинг номимиздан бирон нарса ҳада этиб юборарсиз, — деди ўғил.

Буви бир нарсадан — олисдаги ўғлининг дийдорини кўрмай улиб қолишдан кўрқарди. У ўғлини жуда яхши кўрарди. Ўғлининг бунчалик ўзига бино қўйишию,

нишонлаш каби бани одам-зотга номаълум маросимчалар. Уёқда эса онахоннинг ўғил, минг тирилари. Оғир бетоб бўлиб қолганида ҳам «шаҳарлик» ўғлини безовта қилмасликларини сўрарди:

Сен эслаб кўрдингми? Ҳайхотдек ҳовли,

Унда яшар эди муҳтарам онанг

Дуолари бешумор эди, Боқишлари беозор эди.

Бошинг қўйсанг Дилшод, дилором

Эртақлари долазор эди. Сен эслаб кўрдингми?! Ҳайхотдек ҳовли

Йуталарди муҳтарам онанг

Куз тутарди, баҳор, ёз ўтди,

Армонлари жонгудоз ўтди.

Сочқи мисол сочик кетди у,

Нурсиз кўзи очик кетди у Сен эслаб кўрдингми

Эслаган бўлсанг,

Гуноҳи савоби ўзингга урсин

Буви бечора бир умр кў-

Бу ажиб дунё

ХОТИННИ ХАФА ҚИЛГАННИНГ ЖАЗОСИ

Бундан ун йил муқаддам Ралф Биклер хотинига бақирган эди, шу-шу оғзи ёпилмай қолди.

Мана, ун йилдирки, Биклер каттик оқват ея олмайди. У хатто юқори лабини ялаш ҳам жуда-жуда қийналади. Уни докторлар 17 марта операция қилишди, лекин ҳеч қандай натижа йўқ. Садоқатли хотини Милли барибир унинг хизматига.

— Унга жуда раҳмим келади, — дейди Биклер хоним. — Лекин умид қиламанки, бу кунлар утиб, кетади, албатта, у шифо топади.

Қасби курувчи бўлган 41 ёшли бу киши фақат суюқ оқватлар, сут, коктел ва сули буткаси билан кун

кечирмоқда. У гапирмоқчи бўлганида айтар гапини коғозга ёзиб курсатади.

Кўпчилик духтирлар уни жаррохлик йули билан ёки дори-дармонлар ёрдамида даволаб бўлмади дейишмоқда. Менинг билишимча, психосоматик касаллик, — дейди австралиялик психиатр доктор Хенрик Бауэр. — Ҳамма гап унинг миёсида. Хотинига бўлган газаби кетиши биланок аслига келиб, тинчиб кетиши мумкин.

Лекин Биклер шу кунгача оғзи очилган ҳолда яшаб келмоқда. Бирор кун келиб бу азобдан қутулишдан умиди катта!

ПАНЖАРА

ШАЙТОН ЙЎЛДАН ОЗДИРСА...

Ҳеч қаерда ишламайдиган, 1957 йилда туғилган, избосканлик Н. Э. исмли шахс ёши улгайгани сайин шайтон васвасасига тушиб бораёптими?... Ҳарқалай, унинг уйи кўздан кечирилганда «кулбаси»дан 500 гр марихуана, 57 гр гашиш каби гиёҳванд моддаларнинг топилиши бежиз эмас-да, энди, дейишмоқда ички ишлар ходимлари.

«АРАЗЛАГАН» ТЕЛЕВИЗОР

Асака туман ички ишлар булими ходимлари нафақахўр Турдихон Тешабоевага тегишли бўлган «Рубин-714» русумли рангли телевизорнинг ўғирланганини эшитиб, қидирув ишлари олиб боришавтган эди. Ажабо, тақдирнинг ҳазилини қарангки, телевизор «аразлаб» Турдихон опа билан битта кўчада яшовчи қўшниси Т. Н. нинг уйига «кетиб қолган» экан. Фақат айб телевизордами ёки қўшнисидами, шуни аниқлаш қолди холос.

Аҳмаджон ИСКАНДАРОВА,
Андижон вилоят



Барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Лекин оила бўлиб турмуш кечириш ҳамма мавжудот орасида фақат Одам наслига хосдир. Оила жамиятнинг энг биринчи ва бирламчи зарраси. Лекин бу зарра шунчаки зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Иттифоқ иборасида аҳиллик, тоувлик деган маънолар ҳам бор. Агар оила ҳақиқатан ҳам тинч-тотув, аҳил бўлса, олам гулистон — яшаш завоқли. Акс ҳолда турмуш бу дунёдаги дўзахга айланади, оила эса зиндоннинг ўзи бўлади-қўяди, руҳий кечинмалар асабларни зиркратати, умрни эгавлайди, туллар бедор ўтади. «Уйку келмас кечалар» деган романимизда оила ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги хусусида, ишқ-муҳаббат, садоқат, вафодорлик ҳақида сўз боради. Роман бош қаҳрамон файласуф Фахри Камолнинг севгилиси Ёқутхонга ёзган мактуби шаклида яратилган.

Ҳурматли «Оила ва жамият» ҳафталигининг ўқувчилари эътиборига ушбу асарнинг бир бобини тақдим этишни ният қилдик.

МУАЛЛИФ

«...Кутилмаганда эшик бундироги кетма-кет, босиб-босиб жиринглаб қолди, суҳбат бўлинди. Ёқутхон, сиз эшик очгани дахлизга чиқдингиз. Аввал сизнинг аёл ва эркек киши билан сурашганингиз эшитилди, кейин ёнига инглизча»Сеул» деган ёзув ёзилган ҳар бири сандиқдай-сандиқдай икки сумкани судрагандай кутариб аёл киши залга кириб келди, орқасидан худди шундай икки сумкани кутарган, қирқларга борган, харидай йўғону лекин биткузи салобатига пугур етказиб турган киши кўринди. Сунгра сиз қайтиб кирдингиз. Даврадагилар кутилмаган меҳмонларни кўриб, анг-танг бўлиб қолишди. Мен бу аёлни бир марта кўргандим, исми Марғуба, Исмаат деган мўмин-қобилгина эри билан бундан бир ойча бурун худди шундай беаҳдалда йўқлаб келиб, уйимизда бир кеча тунаб кетган эди. Бошқа иложимиз бўлмаганидан ойнаванд балконга қалин қилиб ўрин солиб берган эдингиз, балкон совуқроқ бўлгани учун устларига қўш курпа ташлаб ётмишган эди. Уни дастлаб курганимда Кастроманинг зотдор сигирюу Владимирнинг пайпоқли бияси кўз олдимида гавдаланганди. Эртаси куну улар кетишгач, «Марғубанинг кўриниши шунақароқ бўлсаям, одамгарчилиги зўр, бизлар касалхонада танишиб қолганмиз. Мени тижоратга солган ҳам у. Чет элга чиқишимга сармоа бериб турган ҳам у. Тижоратдаги устозим деб биламан уни. Қиз узатганимда ёнимда туриб берганлар агар иккита бўлса, биттаси мана шу Марғуба. Менга қилган яхшилигини ўла-ўлғунимча унутмайман. Ўзи Бекободда яшайди, лекин у ерда ҳам бўлади. Эрининг машинасида шаҳарма-шаҳар кезиб, тижорат қилиб юради» деб тушунтириб қўйган эдингиз.

— Э, жамоат жам-ку, — деди Марғуба сумкаларни девора тақаброқ қўйиб, терлаб-пишиб кетган юзларини галма-галдан ўнг елкасига, чап елкасига суриб артгандай бўлиб, — Яхшимисизлар! — Кейин ёнидаги эркекка амирона буюрди: — Полвон, энди сизга рухсат! Марш! Бизларсиз ҳам бу ерда меҳмон-

лар етарли экан. Мен шу ерда қоламан, жуда чарчадим, сиз эса, кўлингиздаги юкларни шу ерга қўйинг. Сизга рухсат. Эртага эрталаб келарсиз... Бир кеча минг кеча бўлмас, бир амаллаб жой топарсиз, зўр келса, машина борку... Хой, Қодирқул, машинадаги оқидан битта, қизилидан биттани буюққа чиқариб ташлаб кетинг.

— Дастурхонга таклиф эт-

қўйдингиз. Марғубага тутилмаган қошиқ узатдингиз, ошга даъват қилдингиз:

— Биз еганмиз, сиз бемалол олаверасиз.

— Мен кўрмадим, ҳисобмас, сизлар ҳам олишиб турасизлар, — деди Марғуба ошга қошиқ уриб.

Мен пиёлага ароқ қўйиб Марғубага узатдим.

— Ҳаммага қўйинг-да, бу нимаси, бир мен узим ичса-

сангиз бўларди, — дедингиз сиз Марғубага.

— Қодирқулними? — Деди Марғуба. — Бундай илтифотимга ҳали камида бир қовун тишги бор. Янги у, синовда ҳали, синовдан ўтсин аввал, бўлмаса ҳозирдан талтайиб кетиб, босар-тусарини билмай қолиши мумкин.

Сиз Марғубани даврадагиларга таништирдингиз, столга таклиф қилдингиз. Вазиранинг ёнига унга стул қўйиб бердингиз. Бу орада Дилмурод битта ароқ ва битта коньякни столга қўйиб кетди, афтидан буларни Қодирқул машинадан олиб чиқиб бериб кетган бўлса керак. Чунки бундай ёрликли ичкиликлар уйимизда йўқ эди.

— Фахриддин ака, азбаройи ҳориб-толганимдан сиз билан сурашишни ҳам унутай-зибман, уэр, — деди Марғуба, — ҳатто уч кундан бу ёққа оёғимдаги максимни ечолганим йўқ. Қани, бу жониворларни очинг, бир чарқобосди қилайлик. Мен, биласиз, ароқ ичаман, менга пиёлага қўйинг, бунақа ангишвона қадахларга хушим йўқ.

Марғубадан тер ҳиди анқирди. У дунда совунсиз ювиниб, артинмай, хўл бада-нига кийиниб олган одамни эслатарди. Аъзойи бадани тердан нам бўлса керак. Сиз бу орада ош сузилган, ошдан тағида озгина қолган лагани олиб чиқиб кетиб, қозондан совуброқ қолган паловдан сузиб келиб ўртага

му сизлар қараб ўтирсангиз, йўқ, бунақаси кетмайди, менга кинна кириши мумкин-а, ўзи кўзга яқинман, терим юпка, — Марғубат гапининг охирини ҳазилга буриб юборди.

Мен ҳаммага ичса-ичмаса қўйиб қикдим, ароқ ичганга ароқ, коньяк ичганга коньяк.

— Ёқутхон, мени биласиз-у, — деди Марғуба, — бир бош пиёз топилармикин?

— Шоҳида, бир-икки бош оқ пиёздан арчиб, тўғрамасдан бу ёққа опке, — дедингиз ўтирган жойингизда газ-хона томонга қараб.

Ҳамма тўғралмаган пиёзни Марғуба нима қиларкин, деб сукут сақлаб пойлади. Шоҳида тезда учта тухумдай-тухумдай оқ пиёзни арчилган ҳолда Марғубанинг олдига қолтириб қўйди. Чикаёттиб, сумкаларга кузи тушиб қолди-да, менга маъноли бир қараб қўйди.

— Олинг-олингларни мен ёмон кўраман, бунақа пачакилашиб ўтиришга вақтим ҳам йўқ, — дея ароқ қўйилган пиёлани қўлига олди. — Бу захар-зақумни баняяти шифо деб, саломатлик учун ичамиз. Бош омон бўлса, эр кишига дўппи, бизга ухшаш заифаларга эса тивит рўмол у ёқда турсин, ондатра телпак топилади. Қани оқ олдик!

Марғуба пиёладаги юз эллик граммча ароқни бир кўтаришда ичиб юборди, тилини танглайга шапиллатиб бир урди-да, уф-уфлаб узун-узун нафас чиқарди, кейин га-

рч этиб пиёздан бир тишлади-да, нон қушиб ея бошлади.

Вазира ичиб қадахни бушатди. Мен косағуллим, даврада ягона эркеклигим, бунинг устига мезбонлигим туфайли қадахдан бир хўглаб қўйдим. Бошқалар қадахларига қўл тегизишмади ҳам. Бу орада Дилмурод хонага кириб, сумкаларни битта-битта олиб чиқиб кетиб, кўздан гоийб қилди. Афтидан Шоҳида акасига «Сумкаларнинг залда меҳмонлар кўз унгида туриши яхшимас, акажон. Уларни балконга олиб, чиқиб қўймайсизми?» — деган бўлса керак. Ҳа, Шоҳида дид-фаросатли қиз!

Хонада хом пиёз хиди тарала бошлади, айниқса пиёз исига йўқ сиз буни дарҳол туйдингиз.

— Марғуба, сизга яна балконга жой қилиб берадиган бўлдим-да, — дедингиз ярим чин, ярим ҳазил тарақасида.

— Совуқдан кўрқадиган одам йўқ, — деди Марғуба паловдан озгина солиб, паллага овозда. — У совуққа йўқ нозикойми — Исмаат жиририк, ўша куням устига иккита курпа ташлаб ўтганди.

— Марғуба, Исмаат ака яхши юрибдиларми? — сураб

югурдагим, дастёрим, малайим эди-да. Малайим бўлатуриб, казо-казо ҳамкасбларим олдида мени тергаб, обруйимни тушироқчи бўлди-я, номард. Мен ҳам унинг кўзини мошдек очиб қўйдим. Ундан чиқдимۇ ҳалиги Қодирқулга тегиб олдим. Туйчамиз Қодирқулнинг юртида — Хужандада ўтди, Шаҳарнинг катта масжидида домла никоҳлади, шунинг учун ҳам сизларни тўйга айтилмадик-да. Асал кунларимиз сафарда Фаргона, Наманган, Андижон томонларда кечди.

— Туйшимми бу, ё унгим? — дедингиз сиз ҳайратланиб. — Нималар деяпсиз, Марғуба?

— Туш эмас, ўнг бу! — деди Марғуба сизга қараб. Кейин менга юзланди: — Қўймайсизми, бу захар-зақумдан!

Мен Вазирага, узимга қадахларга ароқ қўйдим, пиёлага яна юз эллик грамм ароқ қўйиб Марғубага бераёттиб сўрадим:

— Исмаат ака билан бу ерда тунаб кетганингизга ҳали бир ойча ҳам бўлгани йўқ?

— Ҳа, шундай, — деди Марғуба, — нимаиди!

— Қодирқулга тегишни жуда тезлатиб юборибсиз-да, — дедим мен. — Аввало Исмаат ака ўз рози-ризалиги билан икки мусылмон эркек шоҳидлигида сизга «уч талоқ қўйдим» дейиши керак эди.

— У тузим кўр қилгур турмонат одам олдида — зиёфатда «сени уч талоқ қўйдим» деди, ҳамма эшитди.

— Вой, қандай шармандалик! — деб қўйдингиз сиз.

Мен сузимда давом этдим.

— Исмаат ака сизни уч талоқ қўйганидан кейин орадан камида уч ой мўддат — иқд,

яъни покланиш мўддати ўтиши шарт. Бусиз никоҳ раво эмас, шариат ҳукми шундай.

— Шариат дейсиз-а, Фахриддин ака, сиздай ўқимишли, хатто Москва таълимини олган одамга бу ярашмайди, — деди Марғуба мендан ўп-каланиб. — Мана мен узим шариат. Мана шу захар-зақумни шариатингиз ривожини учун ичаман. У пиёладаги ароқни яна бир кўтаришда ичиб юборди, бу сафар уф-уфламади, пиёздан тишлаб, ошга қошиқ урди.

(Давоми бор)

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

УЙКУ КЕЛМАС КЕЧАЛАР

Романдан парча

Бу ажиб дунё

IX АСРГА МАНСУБ СОҒ ТЕМИР

Гарвард университети қошидаги шарқ тиллари институти олимлари Мугулистон буйлаб илмий сафарлари чоғида Талас дарёси қирғоғидан темир диск топишди. Унга ўн икки мучални билдирувчи ҳайвонларнинг расмлари уйиб ишланган ва қадимий турк ёзувидаги битиклар бор эди. Олимларни лол қолдиргани бу эмас, балки IX асрда ушбу дискни ясаш учун 99,999 фоиз софликка эга темирдан фойдаланилгани бўлди. Доктор Карл Найданинг таъкидлашича, бундай темирни фан-техника тараққий этган ҳозирги замонада ҳам фақат лаборатория шариоатидагина олиш мумкин. Бу топилмани туркий халқлар буюклигининг яна бир намунаси деб атаса, бўлади, бизнингча.

Бу ажиб дунё

ҲУКМ ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ҲРИН ЙҲК

Рамон лақабли хуроз ҳар тонг шодон қичкириб куёш чиқишини кутлар эди. Лекин энди у бундай бахтдан марҳум. Сабаби ҳар кеч эгаси Эрнесто Клементе унинг тумшугини боғлаб кўяди ва фақат тонгги тўққиздан кейин ечиб куйиши мумкин! Кўшнелари судга Эрнестонинг хурози каллайи сажарлаб қичкириб уйку бермаслигидан арз қилиб боришгач, судья шу ҳақда ҳукм чиқарди.

Куррайи-заминимиздаги бизни ураб турган ҳаёт турли-туман шакл ва даражага эга бўлгани билан узвий ва яхлитдир. Ҳаётнинг ҳар қандай шакли ва ифодаси яқка тартибда намоён бўлмасдан, балки сайёрамизнинг тирик қобиги-Биосферага уйғуналади. Тирик табиатнинг биосфера билан муносабати ва алқаси ниҳоятда хилма-хил ва мураккаб бўлиб, борликдаги моддалар алмасувини таъминлаб туради. Бу муносабат ниҳоятда барқарор бўлишига қарамадан баъзан орадаги битта бўғиннинг узилиб қолиши ҳаёт заنجирининг қолган қисмидаги барча тирик мавжудотларнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Илмий-техника тараққиёти жараёнида инсоннинг табиатга кўпол аралашуви кўпинча кутилмаган оқибатлар билан тугайди.

Асримизнинг урталарида Мадагаскар оролларидаги балиқчилари ҳар қадамда булутдай ёпирилиб, қонларни зулуқдай сўрувчи чивинлардан кутулиш мақсадида Овруподан кўп микдорда ДДТ-дуст препаратини сотиб олади. Бу ниҳоятда кучли пестицид билан ишлов берилганидан кейин орол аҳолиси чивин балосидан бутунлай кутулади. Аммо аҳолининг бу шодлиги узокқа чўзилмайди, тез орада чивинлар билан озиқланувчи калтакесакларга қиргин келади. Лекин бу ҳали фалокат эмас, унинг бошланиши эди, холос. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан заҳарланган калтакесакларни еган мушуклар оёқларини чўзиб қолишади. Сулаймон ўлиб, девлар кутилганидек, оролда сиқон ва каламушлар урчиб кетади. Бу оқофат жониворлар бутун борлиқни еб битиришади, бу ҳам етмагандай чақоқларнинг ҳам у-бу жойларини кемириш ҳоллари кузатилади. Энг даҳшатлиси шундай эдики, улар орқали энг хавфли бешта инфекциянинг биттаси — улт хасталигининг эпидемияси тарқалиб, орол аҳолисига катта талофот етди. Маъмурият шошилиш чоралар қўриб яна хориждан кўп микдорда мушук сотиб олади, аммо мушуклар томга сакрашлари биланоқ уйлар босиб қола бошлайди. Ҳамма гап шундаки, оролдаги оқофат чумолилар-термитларни еб қамайтириб турувчи калтакесаклар қирилиб битгач, урчи кетган термитлар уйларнинг ёғоч болорлари ва устунларига ичидан ўйиб еб битиришган эди. Қўрилган иқтисодий зарар бир неча миллион долларга тенг эди. Жимит орол биосфераси яна боз боғиядек мувозанатга келиши учун каттагина фурсат зарур бўлди.

Одам ва экология

ТАБИАТ ҚАСДИМИ ЕКИ...

Шунингдек, Канадада кўп микдорда нина баргли ўрмоннинг келиши кетиши заминнинг катта қимматга эга бўлган юқори қатлами кенг майдонда эрозияга учрашига сабаб бўлди. Океанларга ювилиб кетилган ўнлаб куб чакирим тупроқнинг таги экин-тикин учун ярамас эди. Қайтадан ўрмон ўстириб, улкан машиналарда тупроқ келтириб тўкиш эвазига биосфера мувозанати узига қайтарилди. Бу ишинг тепасида турган давлат бошлиқларининг қанчаси кўкрагини чангаллаб қолмади, дейсиз?

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳам аксарият ҳолларда ниҳоятда галати оқибатларга олиб келади. Жанубий Африкада қизил тумшўқли қизилиштонлар ерлар ўзлаштирилганига қадар ёввойи ўсимликларнинг уругини еб тирикчилик қилишар эди. Маданий ўсимликлар экилиши муносабати билан уларнинг таъминдан маззахурак бўлиб қолган қўшлар шундай жадал кўпайишдики, асти қўяверасиз. Химикатлар, қурол ва огнемётлар воситасида уларни биров қамайтиришга эришилди. Ҳозирга қадар бу ҳудудда мазкур қўшлар тайёрларнинг ҳалокатига сабаб бўлиб туради.

Инсон кўп ҳолларда ер юзидан йўқолиб кетиш арафасида турган жониворларни кутлуг ниятлар билан янги ҳудудларга олиб келади. Аммо келгиндилар бу жойларда узини қандай тутуди? Худди шундай яхши ният билан йўқолиш олдидан турган Америка ондатраларининг бир қисми Фарбий Оврупога келтирилган эди. Янги иқлим мойдай ёқиб тушган келгиндилар мури-малаҳдай кўпайиб, қишлоқ ва сув ҳўжалигига мислсиз зиён етказди. Кўнгилчанлиги қимматга тушган инсон минглаб лаънатлар ўқиб, зўр қийинчилик ва сарфу-харажат билан уларни қириб битказди. Уруш йилларидан кейин собиқ СССР ҳудудларига 300000 дан ортўк ондатралар ташиб келтирилган


эди. Бу жойда ҳам уларнинг кечтирилари юқоридаги тахлитда бўлди. Юқо ондатралар дарё ва кўллардаги балиқлар, қамишларни ҳазм қилиб юборгани етмаганидай, тўғонлар ва сув иншоотларини гораг қилди, ҳатто улкан ГЭСларда юз берган аварияларни ҳам уларнинг фаолияти билан боғлашади.

Иқлимлаштирилган ўсимликлар ҳам аксарият ҳолларда кутилмаган оқибатларни келтириб чиқаради. Асли ватани жанубий Америка бўлган хушбўй ва жозибдор гўлли, сув юзида қалқиб турувчи улкан япроқли сув нилуфурчлари Ҳиндистонлик сайёҳларни узига мафтун қилибди, денг. 1984-йили бир гўзаллик ошўфтаси уни ватанига олиб бориб кўпайтирган. Ундан қўшнилари, қариндошлар дегандай... Уругидан, илдиэвдан, ҳатто новдасидан ҳам тақдиозчи бу беор ўсимлик шу тахлитда Ҳиндистон, Шри-Ланка, Индонезия, Бирма, Хитой ва ҳатто Австралига тарқалиб кетган. Ун ойда етти минг кв. метр майдонни ёпувчи бу келгинди сув юзида қалин гилам ҳосил қилиб, сувдаги кислород алмасишувини бузиб, балиқларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган, бу ҳам камлик қилгандай кемалар қатновини тўхтатиб қўйган. Энди бу давлатлар ундан қандай кутулишини билломлай гаранг. Американинг биргина Луизиана штатида нилуфар билан курашиш учун 40 миллион долларга яқин пул сарфланади. Улкан балонинг тарқалиб кетишига сабаб бўлган Ҳиндистонлик гўзаллик ошўфтаси энди уйда ўтириб, бошидаги сочларини битта-лаб юлаётган бўлса ажаб-мас. Беор-ликда айрим ҳашаротлар ҳам нилуфардан қолишмайди. Асли ватани Шимолий Американинг чўққили тоғлари ҳисобланган колорадо кўнгизини бизда ҳозир боғча гўдаги ҳам таниса керак. Азалдан ёввойи ўт-ўланларни кемириб умргузаронлик қилган кўнгизчалар учун Америкада картошкачиликнинг ривожланиши ҳаққи иқлимнинг мури-малаҳдай кўпайиб, қишлоқ ва сув ҳўжалигига мислсиз зиён етказди. Кўнгилчанлиги қимматга тушган инсон минглаб лаънатлар ўқиб, зўр қийинчилик ва сарфу-харажат билан уларни қириб битказди. Уруш йилларидан кейин собиқ СССР ҳудудларига 300000 дан ортўк ондатралар ташиб келтирилган

бўлмас. 1914 йилда мечикай ҳашаротлар картошкача қўшилиб, Фарбий Оврупога таширф буюрди. Англия, Олмония ва Фарангистонларни кезиб, ниҳоят 40 йилларда Собиқ СССРга киради. Ўзбекистон ҳудудларида эса бу кўнгиз 60-йиллардан учрай бошлаган. Уларнинг қишлоқ ҳўжалигига етказётган зиёнини пул билан ўлчаб бўлмас керак. Ҳатто ўзимизнинг маҳаллий кўнгизларимиз ҳам келгиндилар билан ҳисоблашадиган бўлиб қолишган.

Юқоридан тегишли ҳулосалар чиқариб олган башар боласи табиатга нисбатан анча эҳтиёткорона муносабатда бўлиб қолишган. Экология ва биосферанинг оғриқли муаммолари билан шўғулланадиган мутахассислар тегишли дастурлар ишлаб чиқармоқда. Муносабатнинг оқилона йўналишларини белгилашмоқда. Аммо шунга қарамадан улкан сайёранинг турли ҳудудларида инсоннинг бўлиб билмай. Уйлаб-уйламай табиат қонунларига кўпол аралашуви кузатилмоқда. Бу жараён она табиатнинг норозиликларга сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, сўнгги йиллардаги биогеоценоздаги турли ўзгаришлар, иқлимдаги узига ҳосилликларни бошқа нима билан изоҳлаш мумкин!?

Алжон ЗОҲИДИЙ



Сўнги устўн

ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИ ЛОЛ ЭТАР ОДАМНИ

Чой ҳақидаги дастлабки маълумотлар бундан 5000 йил олдин ёзиб қолдирилган қўлезмаларда учрайди. Ёввойи чой дарахтга ухшаб тарвақайлаб ўсади, бўйи саккиз метргача етади. Иччиладиган чой эса бута шаклида бўлади. Бир тўп бутадан териб олинган барглрдан ҳам қора чойни, ҳам кўк чойни тайёрлаш мумкин. Ҳамма сир барглрарга қандай ишлов беришда.

Осиёнинг жанубий ва шарқий қисмларида маҳаллий аҳоли томонидан «нон дарахти» деб аталадиган мевали дарахт ўсади. Унинг меваси ўртача 20-25 килограмм келади ва 5-6 тўпи катта бир оилани бемалол йил давомида боқishi мумкин. Нон қилиш учун пилшган мева териб олинади ва тўрт-беш жойидан тешиб, ачиб ошган хамирдек булгунча қолдирилади. Сўнг «хамир»ни кокос ёғи ва сувда қориб зувалалар қилинади ҳамда банан баргига ураб печкада пиширилади.

Осиёнинг бир қатор мамлакатларида, Жанубий ва Марказий Америкада, Жанубий Африкада папайя деган дарахт ўсади. Папайянинг меваси худди ўзимизнинг қовунга ўхшади. Унинг меваси қандолатчиликда кенг қўлланилса, барги, пўстлоғи ва мевасининг хом пайтидаги пўстлоғи фармацевтика санюатида ишлатиладиган зарур препаратлар тайёрланади.

Бамбукнинг бўйи 35-40 метргача борсада, уни дарахт деб бўлмайди. У бошоқли ўсимликлар оиласига мансуб. Бамбук кун сайн эмас, соат сайн ўсади ва бир-бир ярим ой ичиде ёш бамбукнинг бўйи 18-20 метрга етиши мумкин. Ундан турли, нарсалар ясаида фойдаланилади.

Калифорнияда секвойя номли дарахт ўсади. Унинг бўйи 80-100 метрга, йўғонлиги 10 метрга етади, пўстлогининг қалинлиги 60 сантиметргача боради. Унинг ёғочи гоят қаттиқ бўлиб, қўрт-кумурсқалар кемиролмайди. Шунинг учун бўлса керак, тахминан икки-уч минг йил яшаган секвойяларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, маҳаллий аҳоли «Генерал Шерман» деб ном берган секвойянинг ёши тахминан уч минг йил.

Буни қарангки, дарахтларнинг ҳам эркаги ва ургочиси бўлар экан. Кокос палмаси ана шундай дарахтдир. Фақат ургочи палмагина ҳосил беради. Кокос, яъни палма ёнғонининг катталиги чақалоқнинг калласидай келади. Битта дарахт 30 тадан 60 тагача мева беради.

<p>Муассисларимиз:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси</p>	<p>БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ</p> <p>Газетамиз бош ҳомийси: Ўзбекистон «Мамбуот тарқатиш уюшмаси» асоциацияси</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</p> <p>Телефон: 36-54-80 Эркин ЭШОНҚУЛОВ навбатчилик қилди Обуна индекси - 64654 Рухиятга олиш № 33 Буюртма Г-089 25684 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.</p>
---	---	--